

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Ўринов, Ш.Каримов

Бессель оператори қатнашган итерацияланган кўп ўлчовли Клейна-Гордона-Фок тенгламаси учун Коши масаласи аналогини ечиш5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Шухратов, И.Якубов

Толали материаллар тозалагичининг қайишқоқ таянчларга ўрнатилган колосниклар тебранишларининг таҳлили13

Ж.Улугмуратов, И.Исматуллаев, И.Якубов, З.Исламов, Х.Бегалиев, Т.Кодиров

Туюқш экзотик чарми олишда тери хомашёсига дастлабки ишлов беришни тадқиқ қилиш20

КИМЁ

Б.Махкамов, Д.Шахидова, Б.Орзикулов, Д.Гафурова

Мис (II) ионларининг сорбцияси учун комплекс ҳосил қилувчи полимер материалларни олиш25

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ш.Хасанов, С.Сасмаков, Ж.Абдурахманов, О.Аширов, Ш.Азимова

Ҳашарот хужайраларини паст ҳароратли муҳитда узоқ муддат сақлашнинг оптимал шароитларини танлаш29

А.Ахунов

Суғориш тарихи ва суғоришнинг ўзига хос омиллари32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ТАРИХ

К.Тухтабеков

Ўзбекистонда илм-фан тараққиётининг тарихий илдизлари36

У.Жўраев

Советлар даврида таълим тизимини мафкуралаштириш (1950-1980 йиллар)40

Е. Гордеева

Калтаминор маданияти мафкураси тўғрисидаги масалага доир43

И.Раҳимов

Тарихий ҳақиқат ва унинг жамият маънавий тараққиётига таъсири47

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

А.Ўтамуродов, Б.Турсунов

Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи50

Т.Алимардонов, А.Азимов

Ўтиш даврининг классик модели54

Ф.Мирзаева

Ўрта Осиёда Нақшбандия-Мужаддиия тариқати ривожининг ўзига хос хусусиятлари58

И.Тоиров

Жаҳон тамаддуни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров

Фирдавсий тақдири Хайнрих Хайне талқинида66

Р.Тошнӣёзова

Маърифат ва талқин: шоҳид образининг онтологик асослари70

М.Хамидов

Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қиссасида Машраб образи75

А.Қаюмов

Уруш – миллий характер кушандаси77

М.Эрназарова

Л.Н.Толстой ижодини ўрганишнинг инновацион технологиялари81

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Искандарова, М.Омонов

Ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққан “Бобурнома”даги изофий бирикмалар85

УДК: 8-92

ФИРДАВСИЙ ТАҚДИРИ ҲАЙНРИХ ҲАЙНЕ ТАЛҚИНИДА
СУДЬБА ФИРДОУСИ В ИНТЕРПРЕТАЦИИ ГЕНРИХА ГЕЙНЕ
THE FATE OF FIRDAUSI IS IN HEINRICH HEINE'S INTERPRETATION

А.Ақбаров

Аннотация

Мақолада буюк немис шоири Ҳайнрих Ҳайне ижодида Фирдавсий тақдирига оид талқинларнинг бошқа тилларга таржималаридаги мунозарали ўринлар таҳлилга тортилган.

Аннотация

В статье анализируются спорные аспекты перевода на другие языки интерпретации судьбы Фирдоуси в творчестве великого немецкого поэта Генриха Гейне.

Annotation

In this article the polemic aspects of interpretation of the fate of Firdausi in the work of the great poet H. Heine are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: тақдир, талқин, мунозара, таржима, шоир, ҳажвия, шоҳ, достон, олтин, кумуш.

Ключевые слова и выражения: судьба, интерпретация, спор, перевод, поэт, сатира, царь, поэма, золото, серебро.

Key words and expressions: fate, interpretation, debate, translation, poet, satire, king, epic poem, gold, silver.

Ер юзида умумий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда, шубҳасиз, сўз санъати, айниқса, Ғарб ва Шарқ адабиётлари ўртасидаги ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш аънаналари муҳим омил бўлиб келди. Мамлакатимиз халқларининг ривожланган Европа мамлакатлари, хусусан, немис халқи билан турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари, айниқса адабиёт, таржима соҳасидаги аънанавий алоқалари, тарихига назар ташлаш муҳим назарий аҳамиятга моликдир.

Немис классик шеърятининг машҳур намояндаси Ҳайнрих Ҳайне (1797-1856) Гёте сингари Шарқ адабиётига алоҳида муҳаббат билан муносабатда бўлган. У форс-тожик шоирлари асарларига қаттиқ боғланиб қолган, уларнинг шеърларини булбулнинг ёқимли навосига таққослаган шоир бу наволар таъсирида ўзига хос ажойиб шеърлар битган [5,7. 9,87-91].

Унинг, айниқса Фирдавсий ижодига ихлоси баланд бўлган. «Шоҳнома»нинг романтик руҳи унга жуда ёққан. Шу боис Ҳайне 1848 йили Парижда ўзининг «Шоир Фирдавсий («Der Dichter Firdusi»)[2,233-239] номли машҳур шеърини битган.

Фирдавсийнинг тақдири ва умр йўли ғоят мураккаб, шунинг учун ҳам унинг ҳаёти ва ижоди турли ривоятларга бой. Ҳатто таваллуд санаси ҳақидаги маълумотларда ҳам ноаниқликлар бор ёки бир тўхтама

келинмаган. Масалан, таваллуд йили 940 ёки 941[4,261], вафот этган йили ҳам икки хил 1025 [1,11] ва 1030 [4,261].

Нега Фирдавсийнинг тақдири Ҳайнени қизиқтириб қолди? Орадан саккиз юз йил ўтди. Уларнинг бири Шарқда, яъни Эронда, иккинчиси эса Ғарбда. Икки хил маданият. Эътиқодлар ҳам турлича. Умуман олганда, Ҳайненинг «Шоир Фирдавсий»асарини ёзишига нима туртки бўлди? Бу Ҳайне Фирдавсий ижодини яхши билганиданми? Ёки тақдирлардаги туташ нуқталарми? Улар дуч келган адолатсизликлардаги уйғунликми? Балки Фирдавсийнинг Маҳмуд Ғазнавийга ёзган ҳажвийси туртки бергандир. Яна шеърнинг учинчи қисмини шарқона маснавий шаклда ёзганига нима дейсиз?

«Шоир Фирдавсий» шеъри уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм ўн саккизта тўртлик, иккинчи қисм тўртта тўртлик, учинчи қисм ўттиз олти байт, яъни етмиш икки мисрадан иборат [7,377-383]. «Белзатсар» («Belsazar») эса, йигирма бир байт, 42 мисрадан иборат [7,44-45]. «Ошиқлар кайфияти» [«Die Launen der Verliebten»] [7,541-543] 29 байт, 58 мисрадан иборат. Алоҳида қайд этиш керакки, «Ошиқлар кайфияти» шеърининг сарлавҳаси остига муаллиф ёки нашриёт томонидан майда харфлар билан қуйидаги ёзув қайд этилган: «Бунда янги гўзал немисча қофияларга келтирилган эски

А.Ақбаров—ФарДУ, факультетлараро чет тиллари кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

хужжатлар асосидаги хақиқий воқеа ҳикоя қилинади». («Eine wahre Geschichte nach älteren Dokumenten wiedererzählt und aufs neue in schöne deutsche Reime gebracht») [7,541].

Ҳайне шеърини «Goldene Menschen, Silbermenschen!» деб бошлади. Бу икки сўзга

Goldne Menschen, Silbermenschen!
Spricht ein Lump von einem Toman,
Ist die Rede nur von Silber,
Ist gemeint ein Silbertoman. (Ҳ.Ҳайне)

Кимда олтин, кимдадир кумуш!
Кимда эса бир чақа ҳам ҳам йўқ
Кумуш тушмас унинг тилидан,
Кумуш туман (танга) шўрликка орзу.
(А.Шер)

Абдулла Шер таржимасида „Goldene Menschen“- кимда олтин, яъни олтини кўп бой кишилар, “Silbermenschen“-кимдадир кумуш, кумуши бор ўрта ҳоллар, “Ist die Rede nur von Silber“-кумуш тушмас унинг тилидан, “Ist gemeint ein Silbertoman“- кумуш туман

Doch im Mund eines Fürsten,
Enes Schaches, ist ein Toman.
Gülden stets: ein Schach empfängt
Und er gibt goldne Toman.

А.Шер шоҳнинг сўзларини шоҳона тилда ўринли ифодалаган. Х.Салоҳ эса “Аммо давлат соҳибининг ақчалари ёлғиз тиллодан” деган шоҳнинг ақчалари ҳақидаги мисраларини таржима қилмаган.

Siebzehnmahl die Rose blühte,
Siebzehnmahl ist sie verwelket.
Und die Nichtigall besang sie
Und verstummte siebzehnmahl.

Ўн етти бор гуллаб атиргул,
Қовжиради ўн етти бора.
Ўн етти бор гул узра булбул,
Ҳам маст бўлди, ҳам чекди нола.

(А.Шер)

Ҳайне йилнинг баҳордан бошланишини назарда тутиб, унга мос равишда атиргулни танлади. Х.Салоҳ Ҳайне фикрини тўғри англаб, унга монанд баҳор сўзини танлаган, таржима жозибали, жарангдор чиққан. Ўқисангиз роҳат қиласиз. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор: Х. Салоҳ таржимани рус таржимони В.Левик таржимаси асосида қилган. Ўйлаб, фикр қиламиз: Ҳайне нима демоқчи? Демак, Фирдавсий

«Der Lump» («камбағал, ялангоёқ») сўзини қарама-қарши қўяди. Биз мақолада асосан Хайридин Салоҳ[3,156-162], Абдулла Шер[5,67-75] ва В. Левик[6,283-288] таржималаридан фойдаландик.

Бировларга ёғилар олтин,
Кумуш билан бойир ўзгаси,
Оддийгина одам бисоти-
Ҳамёндаги кумуш тангаси.(Х.Салоҳ)

шўрликка орзу, булар камбағал, бечоралар назарда тутилган. Х.Салоҳ таржимаси ҳам ёмон эмас, бироқ А. Шер таржималари аслиятга анча яқин.

Биринчи тўртликдаги ҳолатни иккинчи тўртликда яхшироқ тушуниш осонлашади.

Аммо қодир, шоҳона тилда
Ҳамма туман олтин дегани,
Олса агар олтин олади
Берса агар беради олтин. (А. Шер)

Кейинги тўртликда буни ҳамма, жумладан, илоҳий “Шоҳнома”нинг ижодкори ҳам билиши таъкидланади ва давом этилади.

Расцвело шестнадцать весен
Отцвело шестнадцать весен,
Соловей прославил розу
И умолк шестнадцать раз. (В.Левик)

Чирой очди ўн олти баҳор,
Кўздан қочди ўн олти баҳор.
Қизил гулнинг ишқида булбул
Қўшиқ айтди нақ ўн олти баҳор.

(Х.Салоҳ)

“Шоҳнома”ни бошлаганига ўн етти йил бўлди. Булбул ҳам гулнинг ишқида ўн етти йил сайради, куйини йил бошида бошлади, йил охирида тўхтатди. Ажойиб фикр, гўзал қиёс! Улуғ шоир Фирдавсий ажойиб воқеликларни булбулдай сайраб “Шоҳнома”га битди. Шоҳ асарга булбулнинг атир гулга бўлган муҳаббати ва куйи (қўшиғи)ни жо этди. Ҳайне шундай ўн етти йил ўтди, деб айтибгина қўймади, у ўн етти баҳор-

йигит кишининг гулдай умрига тенг фурсат асарга сарф этилганини санъаткорона тасвирлаб берган. Ҳайне “Шоҳнома”ни “қизил гул”га ўхшати, Фирдавсийни гул ошиғи булбулга таққослади. Ана шундай “буюк муҳаббат” бўлмаганда “буюк асар” ҳам дуёга келмаган бўларди. Ўн етти йилда “Шоҳнома”нинг ярми ёзилди.

Нима учундир В. Левик таржимасида (русчада) Ҳайнедаги “ўн етти марта” сони “ўн олти марта” тарзида таржима қилинган. Шу сабаб Х.Салоҳда ҳам “ўн олти баҳор” деб таржима қилинган ва бу тушунарли ҳолат, чунки у рус тилидан таржима қилган. Нега В.Левикда ўн олти?[9,87-91]. Бу савол устида ўйлаб кўрдик. Левик жуда моҳир таржимон, айниқса Ҳайне шеърлари таржимасида. 1954 йили чоп этилган “Генрих Гейне. Стихи. Перевод с немецкого. Государственное издательство художественной литературы. Москва.” таржималар тўпламида жами 336 шеър бўлиб, улардан 101 та таржима

Von dem göttlich reinen Urlicht,
Dessen letzter, Feuertempel
Trotz Dem Koran und dem Mufti,
In des Dichters Herzen flammte.

Бу сатрлар орқали биз Ҳайне Фирдавсий тақдирининг мураккаб кирраларидан ҳар томонлама хабардор эканлигини фаҳмлаймиз. Руҳонийлардан бири шайх бузруг Абулқосим Гургонийга Фирдавсийни қарматий маҳзабига мансубликда айблаб, шикоят ёзиб, уни мўътазилий, қарматийликка дахлдорлигини исботловчи ҳужжатлар борлиги, у ўз маҳзабини яшириши ҳақида айтади. Шу боис унинг ҳаёти ғоят таҳликали кечди. Бир ёқдан мутаассиб руҳонийлар, иккинчи ёқдан маърифатсиз хукмдорлар тазйиқи остида ўтди[8,23]. Лекин, шоир бу гапларга эътибор бермай, ижодини астойдил давом эттирди. Юқоридаги сатрларда Ҳайне мана шу ҳолатларни назарда тутган.

Ҳайне “Шоҳнома” ҳажмини “Zweimalhunderttausend Verse” деб айтади. Буни В.Левик “двести тысяч строк» деб таржима қилади. А.Шер, Х.Салоҳларда мисра деб ўғирилган. Асар кўлами масаласига келсак, Ҳайне “Шоҳнома” мисраларини санамаган бўлиши мумкин. Бироқ «Шоҳнома» даги ҳар мисрага бир

Der Poet riß auf die Säcke
Hastig, um lang entbehrten.
Orzu қилган олтинларини
Кўрай дея тезроқ, бесабр

ва “Германия. Қишки эртак” поэмаси ҳам В.Левик қаламига мансуб. У шеърни эркин таржима қилган. Масалан, “Шоир Фирдавсий” шеърининг учинчи қисмидаги ўттиз тўртинчи байтни ўттиз учинчи қилиб қўйган. Демак, Левик таржимасида ана шундай “эркин ҳолат”лар бўлиб туради. Демак, у ўн еттини ўн олти деб таржима қилиб, хатога йўл қўйган.

Бу орада (“Indessen”) “...an dem Webstuhl des Gedankens” (Ҳ.Ҳайне), “шеърятнинг урчуғи” (А.Шер), “учқур қанот ҳаёллар ила” (Х.Салоҳ), “у станка крылатой мысли» (В.Левик) ижод, асар ёзиш жараёнини «ижод урчуғи»га таққосланган, асар эса улкан гиламга ўхшатишган.

Фирдавсий ўз ижодининг гултожиси “Шоҳнома”га зўр иштиёқ ила ҳеч нарсадан тап тортмасдан, бутун борлигини бахшида этди. Ҳатто ҳар-хил тазйиқлар, дин пешволарининг ҳужумларидан ҳам қўрқмади. Ҳайне буни қуйидагича ифодалайди.

Унга шоир сўнги, илоҳий
Оташкада алангасини
Қуръон ила муфтидан асраб,
Олиб кирди қалб кўри билан.(А.Шер)

тилло танга берилишидан хабари бўлган. Икки юз минг тилло тангани ҳам билган. Шу нуқтаи назарга таяниб, икки юз минг мисра деган бўлиши мумкин. Бироқ “Шоҳнома” аслида олтмиш минг байт, яъни бир юз йигирма минг мисрадан иборатдир.

Фирдавсий тайёр бўлган “Шоҳнома”ни султон Маҳмуд Ғазнавийга юборди.Чунки, ўша давр анъанаси шундай эди, агар китоб бирор амир ёки шоҳга бағишланиб, эл орасида эътибор қозонмаса, парча-парча ҳолда қўлларда қолиб кетар, кўпинча нутиларди[8,96].

Фирдавсий китобини султонга топшириб, Ғазнадаги ҳаммомда ювинар эди. Султоннинг икки қора танли хизматкори шоирни излаб келишади. Ҳар бирида пул солинган қоп, улар шоир оёқларга тиз чўкиб, шоҳнинг олий сийловини топширадилар. Бу ерда аҳамиятга молик бир ҳолат бор. Ҳ.Ҳайне буни “kniend“, В.Левик “на колени став“, А.Шер “таъзим билан тиз чўқди“, Х.Салоҳда эса ушбу мисралар қолдириб кетилган,яъни таржимада тушиб қолган. Қопларни очиш манзараси ҳам қизиқарли:

Шошилмасдан шоир оҳиста
Қоплар оғзин очар бемалол. (Х.Салоҳ)
И поэт нетерпеливо
Вскрыл мешки,чтоб насладиться.

Шарт йиртди-ю қопларни, ҳайҳот,
Ҳайратидан тош қотди шоир! (А.Шер)

Ҳайне, Левик ва А.Шерда қопларни шошилинич, тезлик билан очишга ҳаракат бўлган, чунки бу кутилаётган нарса эди. Бироқ Х.Салоҳ “шошилмасдан”, “бемалол” сўзларни қўллаши сабабли автор концепциясини бузиб қўйган, натижада таржима психологик ҳолатга мос тушмайди. Шоир машаққатли меҳнати эвазига орзиқиб кутган шоҳ тухфасини тезроқ кўришга интилган, албатта.

Энди шоир қопларни очиб, улар ичида хира, нурсиз кумуш тангаларни кўриб лол қолади ва заҳарханда табассум қилди. Бу ҳолат қуйидагича таржима қилинган: “Bitter lachend...” (Ҳ.Ҳайне), “С горьким смехом...” (В.Левик), “Заҳарханда билан...” (Х.Салоҳ),

Seinen Wanderstab ergreif er
Jetzt und verließ die Hauptstadt;
Vor dem Tor hat er den Staub
Abgefegt von seinen Schuhen.

Ҳайнега тан бермай бўладими? Фирдавсий ўзим билан ҳатто бир зарра “чанг ҳам олиб кетмай” деб дарвозага оёқ кийимини қоқиб кетганида жуда чуқур маъно бор. Бу орқали Фирдавсий ор номусли, назари тўқ, ўз қадрини ва ғурурини хар нарсдан юқори қўядиган, ўз илмини юксак кадрлайдиган ва уни бўлар-бўлмас нарсаларга алмаштирмайдиган, илми ва қадрини хор қилмайдиган донишманд зот эканлигини бу икки мисрадан билиб оламиз.

“Шоир Фирдавсий” шеърининг иккинчи қисмида шоир шоҳдан чексиз хафа бўлиб, балки пойтахтдан чиқиб, йўлда кетаётиб, ўзига ўзи айтган гаплари ҳақида сўз боради. “У оддий одам бўлса, гапида турмаса ҳам,

“... аламли қаҳқаҳа билан” (А.Шер). Шу ерда бир нарсани айтиб ўтишни лозим топдик. Заҳарханда кулги қаҳқаҳали бўлмайдиганга ўхшайди, нимасидир мос тушмаяпти.

Хафсаласи пир бўлган Фирдавсий элчилар келтирган шоҳ инъомини учга тақсимлаб, икки қисмини иккала қора танли хизматкорларга, учинчи қисмини эса ҳаммом ходимига хизматлари учун беради ва кумуш тангалар олиб келган хизматкорларга: “Султонга менинг таъзимимни етказ. Мен ўз асаримни молу дунё учун эмас, ўз номимни боқий қилиш учун ёзганман”, - дейди. Кейин чанг ҳам олиб кетмаслик учун кавшини дарвозага қоқиб, пойтахтдан жўнаб кетади.

Сўнг асони тутганча шоир
Тарк айларкан улкан пойтахтни
Дарвозага кафшини қоқди
Бундан чанг ҳам олиб кетмай деб. (А.Шер)

гина қилмасдим. У мени умидвор этиб, мазах ва масхара қилди, шу орқали қалбимни тилди, шундай пурвиқор, юксак, мағрур, В.Левик таъбирича “великий муж Ирана” энди бошқа шоҳларга ўртак бўла олмайди, шуҳратли Эрон шоҳи кўзимга қараб қаллоблик қилди”, дейди.

Ҳ. Ҳайне “Шоир Фирдавсий” (“Der Dichter Firdusi”) шеърида шоир тақдирининг айрим муҳим қирраларини жам этиб ёритишга жазм этган. Ўткир адиблик маҳоратига эга шоир орқали Европа китобхонлари Фирдавсий тақдири ва ижоди ҳақида қизиқарли маълумотлар олиш имкониятига эга бўлди. Бу эса янги тадқиқотлар олиб боришга ундайди.

Адабиётлар:

1. Фирдавсий. “Шоҳнома”. Ш. Шомухаммедов таржимаси. -Т.,1975. 1-қисм.
2. Heinrich Heine. In fünf Bänden. Erster Band. Gedichte. Aufbau-Verlag und Weimar. -1970.
3. Генрих Гейне. Лирика. Русчадан Хайридин Салоҳ таржималари. -Т., 1973
4. Каримов Ш. Шамсуддинов Т. Ватан тарихи (биринчи китоб). – Андижон: “Мерос”, 1995.
5. Ҳайнрих Ҳайне. Бир қиз куйлар. Жаҳон шеърятти дурдоналари. Тўловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Эргаш Очиров. -Т., 2012.
6. Генрих Гейне. Стихи. Перевод с немецкого. Государственное издательство художественной литературы. -М., 1954
7. Heinrich Heine. Gedichte. Aufbau-Verlag. –Berlin,1962.
8. Улуғзода Сотим. Абулқосим Фирдавсий “Янги аср авлоди”. -Т., 2018.
9. Акбаров Азиз. Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинларига доир. - “FarDU. Ilmiu xabariar –Научный вестник. ФерГУ”. - 2019. -N2.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).